DOI: 10.47980/TLOI/2020/4/10

ЎРТА ОСИЁДА ТАРЖИМА МАКТАБЛАРИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

ВОЗНИКНОВЕНИЕ ПЕРЕВОДЧЕСКИХ ШКОЛ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

THE RISE OF TRANSLATION SCHOOLS IN CENTRAL ASIA

Bakhromkhuja MAKHAMADKHODJAEV
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN
intern-teacher at the Department of
Arabic Language and Literature al-Azhar
b.maxamadxodjaev@iiau.uz
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan

Аннотация: Бугунги кунда Ўзбекистоннинг жаҳондаги бошқа халқлар, мамлакатлар ўртасида қанчалик обрў-эътибори ва нуфузга эга бўлаётганлигини мамлакатимизга чет эл инвесторларининг кириб келиши, XIX аср тараққиёти, тараққиётнинг ўзбек модели, ҳамда ўзбек адабиёти, санъати, маданиятига қизиқиши, мисолида кўриш мумкин. Ўзбек халқи жаҳон адабиётининг нодир асарлари билан танишиш баробарида, ўзи жаҳон адабиёти хазинасининг бойишига ҳиссасини қўшмоқда. Албатта бу борада таржима халқлар, миллатлар, мамлакатлар ўртасида олтин кўприк вазифасини бажармоқда. Жаҳондаги ҳар бир халқ, ҳар бир миллат бошқа халқлар, миллатлар яратган маънавиятимизни бойитаётган ноёб дурдона асарлар кашфиётлардан баҳраманд бўлиш билан бирга, ўзлари ҳам умумжаҳон маданияти хазинасига ўз ҳиссасини қўшиб келган. Шунинг учун ҳам дунёда бошқа қардош тиллар, миллатлар, мамлакатлар таъсирисиз ўз қобиғида ривожланиб кетган тиллар, миллатлар, мамлакатлар йуқ. Таржима тарихи - тил тарихи, миллат тарихи, мамлакат тарихи каби қадимийдир.

Дунёнинг турли минтақаларида, хусусан Ватанимизда яшаб, ижод қилган, дурдона асарлар яратган Муҳаммад Хоразмий, Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Фаробий, Қошғарий, Замахшарий, Юсуф Хос Хожиб, Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқалар оригинал асарлар ёзиш билан бирга таржима орқали жаҳон фани, маданияти, санъати, тарихи, адабиёти ва бошқа соҳалардаги дурдона асарлар билан ўз халқини баҳраманд эта олган таржимонлар фаолияти тўлақонли ўрганилмаган.

Буни билмай туриб, жаҳон стандартлари даражасидаги мутахассис – таржимон бўлиш қийин. Шарқ таржима мактаблари намояндалари, уларнинг таржима тарихида тутган мавқеи, қўллаган таржима услублари ва таржима орқали жаҳон халқларининг ўзаро алоқаларини ўрганиш хозирги куннинг долзарб масалаларидан. Шунингдек, Шарқ таржима мактаблари фаолияти тарихи, ютуқ

ва камчиликлари бугунги кун даражасида чуқур таҳлил қилиб тўла – тўкис ўрганилмаган. Қўйидаги мақолада қатор таржима мактаблари тарихи, жаҳон таржима тарихининг ривожланиш босқичлари, Ўрта Осиё, хусусан, ўзбек таржима тарихини замонавий босқичи, Шарқ таржима тарихининг мамлакатларнинг ўзаро алоқалари хақида маълумотлар келтирилган.

Жаҳон дурдоналари ҳисобланмиш асарларнинг Шарқ таржима мактаби таржимонлари фаолиятлари ўртасидаги муштараклик ва уларнинг натижаларини замонавий ўзбек таржимонлари ишида қай даражада акс этишини аниқлашга алохида урғу берилиши билан бир каторда Шарқ таржима мактаблари тарихи, ривожланиши ва Шарқ таржима мактаблари ўртасидаги алоқа, таъсир ва натижаларнинг таҳлили ёритилган.

Калит сўзлар: *Ўрта Осиё, шарқ таржима мактаблари, жаҳон адабиёти, нодир асарлар, умумжаҳон маданият, қардош тиллар, миллатлар, тарих, санъат, таржимон.*

Аннотоция: Авторитет и престиж Узбекистана всё больше и больше возрастает среди народов и стран мира. Народ нашей страны продолжает знакомиться с шедеврами мировой литературы, переведенными на узбекский язык с других языков мира. А наши переводчики вносят свой вклад в обогащение сокровищницы мировой литературы. В этом отношении перевод служит золотым мостом между народами, нациями, странами. Таким образом каждый народ, каждая нация в мире, приобщаясь к уникальным произведениям, созданными другими народами, обогащающими нашу духовность, вносит свой вклад в сокровищницу общечеловеческой культуры. Поэтому в мире нет языков, наций, стран, которые развивались бы в своей собственной оболочке без влияния других родственных языков, наций, стран. История переводческой деятельности является такой же древней, как история языка, история нации, история страны.

Изучение истории переводческой деятельности поможет нам, во-первых, показать вклад узбекской литературы и наших ученых в сокровищницу мировой литературы, во-вторых, показать роль и место узбекской литературы в контексте мировой литературы, и в-третьих, определить роль перевода в развитии мировой науки и культуры.

Переводческая деятельность занимает определенное место в системе национальной литературы каждой страны с многовековой литературной традицией. Поэтому без изучения истории перевода невозможно полностью охватить историю национальной литературы, определить по каким законам она развивалась, какие школы перевода были сформированы в различное время и какую роль они сыграли роль в мировой культуре.

Мухаммад аль-Хорезми, ал-Фергани, Абу Али ибн Сино, Абу Райхан ал-Беруни, Абу Наср ал-Фараби, Кашгари, аз-Замахшари, Юсуф Хос Ходжиб, Улугбек, Алишер Навои, Захириддин Мухаммад Бабур и другие мыслители Востока, жившие и созидавшие в различных регионах Востока, в частности, на территории нашей страны, наряду с созданием оригинальных произведений занимались также переводами шедевров мировой науки, культуры, искусства, истории, литературы и др.

Сегодня ученые разных стран мира проводят различные исследования, посвященные теории и практике перевода. В Узбекистане также возрастает интерес к изучению истории переводческой деятельности.

В данной статье рассматривается и анализируются такие вопросы как история некоторых переводческих школ Востока, этапы развития переводческой деятельности в мире в историческом аспекте, развитие переводческой деятельности в Центральной Азии, в частности в Узбекистане, история и мастерство перевода на Востоке.

Ключевые слова: *перевод, переводческое мастерство, переводческие школы Востока, мировая литература, шедевры, мировая культура, родственные языки, народы, история, искусство, переводчик.*

Annotation: The authority and prestige of Uzbekistan are growing more and more among the peoples and countries of the world. The people of our country continue to get acquainted with the masterpieces of world literature, translated into Uzbek from other languages of the world. And our translators contribute to the enrichment of the treasury of world literature. In this respect, translation serves as a golden bridge between peoples, nations, countries. Thus, every nation in the world, getting acquainted with unique works created by other nations that enrich our spirituality, contributes to the treasury of human culture.

Studying the history of the translation will help us to show the contribution of Uzbek literature and our translators to the treasury of world literature, to show the role and place of Uzbek literature in the context of world literature, and to determine the importance of translation in the development of world science and culture.

Translation activity occupies a specific place in the system of the national literature with a centuries-old literary tradition. Without studying the history of translation, it is impossible to fully cover the history of national literature and determine by what laws it developed, which schools of translation were formed at different times, and what role they played in world culture.

Muhammad al-Khorezmi, al-Fergani, Abu Ali ibn Sino, Abu Raikhan al-Beruni, Abu Nasr al-Farabi, Kashgari, az-Zamakhshari, Yusuf Khos Khojib, Ulugbek, Alisher Navoi, Zahiriddin Muhammad Babur, and other thinkers who lived and created their works in various regions of the East, in particular, on the territory of our country, along with the creation of original works, they also translated the masterpieces of world science, culture, art, history, literature, etc.

Today scientists from different countries of the world conduct various studies on the theory and practice of translation. Interest in the study of the history of translation is also growing in Uzbekistan.

This article examines and analyzes such issues as the history of some translation schools of the East, the stages of development of translation activities in the world in the historical aspect, the development of translation activities

in Central Asia, in particular in Uzbekistan, history, and mastery of translation in the East.

Keywords: *Central Asia, oriental translation schools, world literature, rare works, world culture, kindred languages, peoples, history, art, translator.*

КИРИШ

Таржима инсон тараққиётида, унинг маданий ҳаётида жуда катта ва муҳим рол ўйнайди. Айнан таржима бир мамлакат ёки қитъа одамларини бошқа мамлакат одамларини ҳаёти, турмуш тарзи маданияти, урф-одати, тарихи, адабиёти ва илм-фани билан таништиради. Таржима орқали биз ўзга маданиятларни, ўзгалар эса буюк ўзбек маданиятини ўрганиб келишмоқда. Агар биз бир-биримизни миллий, маданий хусусиятларимизни тезроқ ва яхшироқ тушунишни истасак, ўзга халқлар асарларини таржима қилишимиз зарур бўлади.

Таржима тарихини жамият тарихи, маданият, адабиёт тарихи, билан чамбарчас боғлаб ўрганиш ҳам давр тақозоси бўлиб қолмоқда. Ваҳоланки, уларни бир-биридан ажратиб ўрганиш нотўғри бўлса керак. Бу борада қанчадан қанча олимлар иш олиб боришган. Таржима назарияси ва таржима тарихи соҳасида Ғ.Саломов, Ж.Шарипов, Ғ.Гафурова, Н.Комилов ва бошқалар жуда катта ҳисса қўшганлар. Бунда асосий мақсад ўтмиш тажрибаларидан фойдаланиб, ҳозирги ва келгуси ҳаёт тарзимизни аниқроқ белгилаб олиш ва шу йўлда қилинган хатоларни яна қайтармасликдан ҳам иборат.

Таржима тарихини ўрганиш баробарида, биринчидан, ўзбек адабиётининг, донишмандларининг жаҳон адабиёти хазинасига қўшган ҳиссаларини кўрсатиш, иккинчидан, ўзбек адабиётининг жаҳон адабиётида тутган ўрни, мавқеини кўрсатиш, учинчидан, жаҳон фани ва маданияти тараққиётида таржиманинг роли яққол намоён бўлади.

Кўп асрлик адабий анъанага эга бўлган миллий адабиётларнинг ҳаммасида ҳам таржима ўзига муносиб ўринни ишғол қилади. Бинобарин, дадил айтиш мумкинки, таржима тарихини яратмай, таржиманинг ҳар бир даврда қандай қонуниятлар асосида ривожлангани, айни миллий адабиёт тараққиётида қандай таржима мактаблари ташкил топганлиги ва бу таржималар жаҳон маданиятини ривожлантиришда қандай рол ўйнаганини аниқламай туриб, ўша миллий адабиёт тарихини тўла, мукаммал ёритиш мумкин эмас.

Чунончи, араб эртаклари «Минг бир кеча», ҳинд рисолалари «Калила ва Димна», Умар Ҳайём рубоийлари, Ҳофиз Шерозий ғазаллари, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Фузулий достонлари хоҳ аслида бўлсин, хоҳ турли-туман таржималарда бўлсин, етти иқлимда яшовчи кўпчилик Шарқ халқларининг авлод аждодларини юксак инсонпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилди. Жаҳон классик адабиётининг бу улуғ намоёндалари яратган ўлмас асарлар турли-туман таржималар ва «қайта ишлов»лар билан ер куррасида яшаётган кўпчилик халқларга бориб етган.

УСЛУБЛАР

Мақолани ёзиш жараёнида Шарқ ва Ғарб таржима мактаблари фаолияти тарихи, ютуқ ва камчиликлари чуқур қиёсий таҳлил қилиниб, умумий илмий-тадқиқот усуллари қўлланилди.

ТАҲЛИЛ

Жаҳон таржима тарихига шарқ таржимонларининг ҳиссасини алохида ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳақидаги маълумотлар машҳур таржимашунос олимлар асарларида ўз аксини топган, хусусан О.У.Шмидт ёзиб қолдирган манбаларда айтилишича IX-XV асрларда кўплаб араб тилидаги асарлар ғарб тилларига таржима қилинган.

Таржима тарихини ўрганишга муҳим ҳисса қўшган ўзбек олими Ғ.Саломов Ўрта Осиё таржима тарихи ҳақида ёзганидек, Яқин ва Ўрта Шарқ, Ўрта Осиёда араб тилида ижод қилган мутафаккирларнинг ҳам аллақанча ноёб ишлари Толедо мактаби таржимонларининг хизмати туфайли лотин ва юнон ҳамда кейинги даврларда бошқа Ғарбий Европа халқлари тилларига қилинган таржималарда бизнинг давримизгача етиб келган [Salomov G‘., 1966]. Таржима Шарқ билан Ғарб маданиятини боғлаган, пайвандлаган, бойитган, мислсиз олтин кўприк вазифасини бажарган.

М.М.Рожанскаянинг китобида ўрта асрларда Шарқ ва Ғарб маданият ўчоқларининг бир-бири билан алоқаси, бир-бирига таъсири, бир-бирини бойитишида таржималарнинг ролини кўрсатишга доир бениҳоя кўп қизиқарли маълумотлар бор. Тўғри, бу масалага доир тарихий фактлар, материаллар кўпдан бери рус ҳамда Ғарб шарқшунос ва тарихчи олимларнинг асарларидан маълум эди, буни авторнинг ўзи ҳам эътироф этади. Аммо олиманинг хизмати шундаки, у қадимги юнон мутафаккирларининг илмий меросидан ўрта аср арабзабон олимлари ихтиёрига қандай асарлар ва улар орқали қайси янги фикр, ғоя, гипотеза, теорема, аксиома, илмий концепциялар тақдим этилиб, фан тараққиётига ҳисса бўлиб қўшилгани очиқ-ойдин кўрсатиб берган [Rojanskaya M., 1986].

VIII асрнинг 30 йиллари охирига келиб, араб халифалиги таркибига Арабистондан ташқари, Сурия, Фаластин, Миср, Шимолий Африка,

Пиреней ярим ороли, Цицилия ва Жанубий Италия (яни собиқ Рим империясининг талайгина жойлари), Арманистон, Ўрта Осиё территориясининг кўп қисми, шимолий ғарбий Ҳиндистон киради. Халифаликнинг ихтиёрига ўтган жойлардаги аҳоли этник таркиби жиҳатдан ҳам, эришган ижтимоий ва маданий камолоти ҳам бир хил эмасди. Халифалик ихтиёрига *эллинизм* маданияти кенг тарқалган жойлар ҳам, шунингдек, қадимги шарқ маданияти анъаналарига содиқ қолган давлатларнинг нуфузи ҳам ўтган эди.

Ўрта Осиё билан Эроннинг қадимий маданий анъаналарига келганда араблар истилосига қадар ҳам бу ерларда яшаган аҳоли босқинчиларига нисбатан юқорироқ тараққиёт босқичида турар эдилар. Ўрта Осиё олимларининг IX-XV асрларда математика ва астрономия соҳасида кўпгина ютуқларга эришган эди.

Араблар истилосидан сўнг, марказлашган давлатнинг барпо этилиши, олдинги пароканда территорияларнинг ягона дин ва тил билан боғлаган ҳолда сиёсий ҳамда иқтисодий томондан бирлашуви яқин ва Ўрта Шарқ халқларига маънавий бойликларини ўзаро эркин алмашиш имкониятини туғдирди. Бу даврда араб тили давлат, фан ва маданият тилига айланган эди. Қисқа давр ичида халифалик территориясида кўплаб илмий ўчоқлар пайдо бўлди, шаҳарларда расадхоналар қурила бошлади, саройлар, масжид ва мадрасалар қошида, кутубхоналар барпо этилди. Илмий билимларнинг тарқалишида савдо-сотиқ ишларининг йўлга қўйилиши катта аҳамият касб этди. Араблар Ҳиндистон, Хитой, Византия, Россия, Ўрта Ер денгизи ҳавзасидаги давлатлар билан савдо-сотиқни йўлга қўйиб, Волга бўйлаб юқорига кўтарила бошладилар.

Халифаликнинг биринчи илмий маркази Боғдод эди. VII асрнинг охири IX асрнинг бошларида Боғдодда жуда кўп олимлар, таржимонлар ва кўчириб ёзувчилардан иборат гуруҳ юзага кела бошлади, унинг аксарият вакиллари Ўрта Осия ва Эрондан чиққан зукко кишилар, мутафаккирлар эди. Чунончи, Ю.Рушканнинг айтишича, Г.Зутер томонидан тузилган математик астрономлар рўйхатига кирган кишиларнинг деярли барчаси Хуросон, Трансаксония (яъни Мовороуннаҳр), Бақтрия ва Фарғонадан чиққан [Rojanskaya M., 1986].

Халифа ал-Маъмуннинг ҳомийлиги остида (813-833) Бағдодда «Байт ул-ҳикма» аталмиш ўзига хос академия қарор топди. Бағдоддаги барча олимлар унга бирлашган эди. Бағдоддан ташқари ўрта аср Шарқида турли даврларда Қоҳира, Дамашқ, Рей, Гурганч (Урганч), Бухоро, Ғазна, Самарқанд, Исфахон шаҳарлари ҳам илмий марказ бўлиб хизмат қилди. Юнон ва Сурия тилларидан арабчага ўгирилган китоблар орқали ислом мамлакатлари олимларига антик давр илмий адабиётининг бой асарлари етиб келди. Кейинчалик бу таржималар кўп ҳолларда Ғарбий Европанинг антик давр илмий ва маданияти асарлари билан танишишнинг ягона манбаига айланиб қолди.

Таржима ва таъсир - бу мураккаб, ўзаро, кўп томонлама, таъсир ва акс таъсир характерида бўлиб, бир нечта халқлар яратган маданиятлар, уларнинг тиллари иштирокида содир бўлади. Масалан, ҳинд олими Вараҳа Биҳирий асарларининг Абу Райҳон Беруний томонидан араб тилига қилинган таржималарда кўплаб юноний терминлар учрайди. Демак, қадимги ҳинд астрономияси юнон фанининг таъсири бўлганлиги шубҳасиздир. Бироқ мазкур юнон-ҳинд илмий ҳукмронлигида араб тилининг воситачилиги тўғрисида гапириш қийин, бу ерда паҳлавий (ўрта форс) тили катта рол ўйнаган.

Халқаро Фирдавсий мукофотининг лауреати, адабиётшунос олим, таржимон Шоислом Шомуҳаммедов Алишер Навоийнинг «Девони Фоний» мажмуаси асосида ёзган «Гуманизм адабийлик олови» номли мақоласида: «Ғарбда илму-фаннинг инсонга нисбатан гуманистик ғояларнинг, ўрта аср турғунлигидан сўнг, Уйғониш ва ундан кейинги давр тараққиётига Шарқ маданиятининг ютуқлари асос бўлди, деган фикрни тасдиқловчи бир қанча далиллар Ғарб олимларининг ўз асарларидан олинганлигини илгари сурилган тизимнинг ҳақиқийлигига шубҳа қолдирмайди», - деб асослайди [Shoislomov Sh., 1977].

Шарқнинг дунёга машҳур аллома мутафаккирлари ал-Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Қошғарий, ал-Хоразмий ва бошқалар хорижий тилларни мукаммал билганликлари туфайли таржима билан ҳам шуғулланганлар. Афсуски, уларнинг бу борадаги фаолиятлари таржимонлик услублари чуқур ўрганилмаган, чунки уларнинг кўплаб асарлари, таржималари, Ғарб давлатларига олиб кетилган, кўп қисми йўқолиб кетган. Энг қадимий асарлардан бири «Тарихи Табара» бўлиб, муаллифи Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Шариф Табари эди. Асар бир неча жилддан иборат бўлиб, тожик тилига қисқартирилиб таржима қилинган. Ўзбек тилининг қошғарий диалектига XVIII асрда таржима қилинган. Бу асар Сомонийлар даври тарихига бағишланиб, ўша давр тарихини бугунги кун ёшларига етказиб беришда муҳим аҳамиятга эга.

Шарқ таржима тарихида **Бағдод таржима мактабининг** бадиий таржима усуллари ҳақидаги фикрлари IX-X асрларда юзага келган.

X асрда Ўрта Осиёда ташкил бўлган **Хоразм таржима мактаби** эса ўз анъаналарига эга бўлиб, кўплаб шеърий йўлда ёзилган тарихий асарларни насрий йўл билан туркий тилларга таржима қилганлар.

Туркий ва форсий адабий алоқалари тарихидан. «Таржима тарихини чуқур ўрганиш, фақат умумий маданий юксалиш жараёни ёки муайян илмий адабиёт тарихини ўрганиш эмас, балки ўша адабиётнинг ҳозирги тараққиёт жараёни, хусусияти, ривожланиш истиқболини белгилашда ҳам муҳим аҳамиятга эга», - деб ёзади таржимашунос олим Ғ.Саломов [Salomov G‘., 1983]. Бу борада Ж.Шарипов, Н.Комилов, Ҳ.Ҳамидов каби олимларнинг илмий ишларини кўриб чиқиб айтиш мумкинки, тарихда юзлаб маҳоратли таржимонлар ва улар таржима қилган асарлар бўлган.

Ал-Фаробий (873-950) кўплаб асарларни лотин тилидан араб тилига таржима қилган.

Аҳмад ал-Фарғоний (797-865) буюк олим сифатида жаҳон цивилизациясига катта ҳисса қўшган ва қадимий грек олимларининг ихтироларини араб тилига таржима қилган. Унинг кўплаб асарлари замонавий тилларга ҳозиргача ҳам таржима қилинмаган, чунки унинг нодир қўлёзмалари дунёнинг турли мамлакатлари кутубхоналарида сақланади. XII-XIII асрларда унинг кўплаб асарлари лотин ва Европанинг бошқа тилларига таржима қилинган. Унинг китоблари Европа университетларида дарслик сифатида қўлланади. Бизгача эса унинг фақат саккизта асари етиб келган.

Абу Райҳон Беруний (973-1049) буюк энциклопедик олим, шоир ва таржимон бўлган. Унинг таржима услублари ҳақидаги фикрлари ҳам диққатга сазовордир. Бу фикрлар алломанинг фалсафий қарашлари таржимадаги қийинчиликлар, бадиий таржима хусусиятлари ҳақидаги фикрларига монанд уйғунликда бўлиб, таржима амалиёти муаммоларини ҳал этишда ёрдам берган. Беруний ўзининг «Ҳиндистон» асарида Гомернинг «Иллиада», «Одиссея» асарларидан парчалар келтиради. Бу эса унинг таржимонлик фаолияти маҳсулидир. Унинг бошқа асарларида грек, рим, ҳинд ёзувчилари асарларида таржималар берилган. Беруний ижодида таржима муҳим ўринни тутади, унинг 160 тадан ортиқ таржима қилган асарлари бизгача етиб келган. Олим араб, тожик, суғд, яҳудий, ҳинд, санскрит ва грек тилларини мукаммал билган ва турли жанрдаги асарларни бемалол таржима қила олган, хусусан, турли фанларга оид илмий асарларни, бадиий эпосларни, ҳикоя шеърлар шулар жумласидандир.

Маҳмуд Қошғарий (XI аср) ўзининг машҳур луғати «Девони луғати турк» асарида турк қабилалари шеваларида ишлатиладиган луғат бойлигини тўплаб, уни араб тилидаги таржимасини берган. Унинг бу луғатини арабчадан ўзбек тилига таржима қилган С.М.Муталибов Қошғарийни ўз даврининг буюк кишиларидан бири эканлигини эътироф этади [Mutallibov S.M., 1960]. Ушбу луғатни тузиш учун Қошғарий турк тилида сўзлашувчи мамлакатларга саёҳат қилиб, уни чуқур ўрганган. Луғат тузиш жараёнида муаллиф ҳар бир сўзнинг хусусиятини ҳар томонлама ўрганиб, таҳлил этиб уларни икки гуруҳ: отлар ва феълларга ажратган. Луғат тузишда сўзнинг семантик хусусиятлари унинг араб тилидаги таржимасини топишда муҳим ўринни эгаллаган. Ҳозирги кунга қадар ушбу луғат таржимашуносликда муҳим ўринни эгаллайди.

Юсуф Хос Хожиб ўзининг «Қудатғу билиг» асари билан нафақат қадимги ўзбек тили ва адабиёт тарихини ўрганишга, балки таржима тарихини ўрганишга ҳам катта ҳисса қўшган.

Ҳиндистон энг қадимий маданият бешиги бўлган мамлакатлардан биридир. Унда милоддан уч минг йил аввал ерни суғориш тараққий этган, анҳорлар қазилган, тўқимачилик заргарлик ривожланган, пишиқ ғиштдан икки ва уч қаватли бинолар солинган ва ҳакозо. Милоднинг биринчи асридаёқ тиб, риёзиёт, илмй нужум, кимё, ҳикмат каби фанлар ривожланган, турли жанрларда бадиий адабиёт вужудга келган. «Рамаяна», «Маҳабҳарата» каби машҳур ва маълум асарлар шулар жумласидандир. Булар орасида дунёга энг кўп тарқалгани ва ўзининг илғор ва ҳикматли фикрлари билан ажралиб турадиган «Калила ва Димна»дир.

III-IV асрларда яратилган бу қадимий адабий ёдгорлик ўша даврнинг савияси ва шароитлари тақозо қилган баъзи ғоявий маҳдудлик ҳамда зиддиятларга қарамай, унинг асосида ётган илғор фикрлар катта аҳамиятга эгадир. «Калила ва Димна»даги ҳикоялар ҳайвонлар тилидан олиб борилса-да, ижтимоий ҳаёт, одамлар орасидаги муносабат кўзда тутилади.

Табиатдаги мавжуд барча нарсалар, барча жонлилар орасида инсон энг комил ва улуғ зотдир. Шунинг учун ҳар бир одам шу юксак номга муносиб бўлиши керак. Мана шу - ғоя асарнинг ўзагини ташкил қилади.

Асарда ўша даврдаги барча нуқсонлар: хиёнат ва жиноят, пасткашлик, иғво, фисқу-фасод, зулм-ваҳшат фош қилинади. Мана шу қора кучларнинг намоёндалари – золим шоҳлар ва уларнинг разилликлари: нопок вазирлар, амалдорлар, ўзлари ҳеч нарсга арзимайдиган, қўлидан ҳеч қандай

фойдали иш келмайдиган ёки буни хоҳламайдиган, лекин ўзларини юқори қўйиб, ўзгаларни камситишга, оёқ ости қилишга ўрганувчи ва шу билан кун кўрадиган ғийбатчи ва ҳасадчилар.

Бу бир – олам.

Ақл ва инсоф эгалари, одил ва доно шоҳ, унинг ҳикматли, билимдон, тадбирчан аркони давлати; фан, ҳунар ва санъат аҳллари, адолат ва раият учун жонини ҳам аямайдиган ,қаҳрамонлик ва жасорат намуналарини кўрсатадиган, қўрқмас баҳодирлар, вафодор садоқатли кишилар.

Бу иккинчи олам.

Ўз давринининг ҳақиқий манзарасини акс эттирувчи бу асардан шундай хулоса чиқади: «Хўжайин ва қарол, шоҳ ва қул бор жойда ҳамиша ўлим ва жазо бўлади». Асарда бундай кўримсиз манзарани, бундай фожиали ҳолатни қайд этиш билангина чекланмасдан, у қораланади.

Мана шу бир-бирини истисно этадиган олам, улар орасидаги кескин зиддият, уларнинг ўзаро олишуви, биринчи оламга нафрат ва иккинчисига муҳаббат: ёмонликни қоралаш ва яхшиликни улуғлаш, шу ёминликка қарши курашга ундаш, уни йўқотишга интилиш, шу яхшиликнинг тантанасини таҳсин этишга чорлаш асарнинг асосий мазмунини ташкил этади.

Бу масалаларнинг барчаси юксак бадиий гўзал ҳикояту ривоятлар, ажойиб умумлашмалар ва ҳайратомуз ҳикматли иборалар орқали очилади, тасвир этилади.

«Калила ва Димна» асари асрлар мобайнида Осиё, Африка ва Европа қитъаларидаги деярли барча маданий тилларга таржима этилган, ўзбек тилига уч марта таржима қилинган.

Шуни қайт қилиб ўтмоқ лозимки, бу асарнинг Шарқ тилларидаги таржималари кўп жиҳатдан бир-бирига ўхшамайди. Ҳар бир таржимон ўз дунёқарашларидан ва даври талабларидан келиб чиқиб, асарга ўзгача мустақил ёндошган ва озми кўпми ўгаришлар киритган.

Ҳиндистон халқи билан шарқ халқлари, шу жумладан Ўрта Осиё халқлари орасида қадим замонлардан буён жуда яқин маданий алоқа бўлган, улар бир-бирларидан ўрганганлар, бир-бирларининг анъаналарини ижодий тарзда ўзлаштирганлар ва давом эттирганлар. Дунёда етти мўжизалардан бири «Тож-Маҳал»ни яратишда ўрта осиёлик меъмор ва наққошлар ўзларининг катта ҳиссаларини қўшганлар. Ўзбек тупроғида туғилиб, сўнгра тақдир тақозоси билан Ҳиндистонга бориб яшаб, ижод этган Хусрав Деҳлавий ва Абулқодир Бедил ҳинд халқининг эски анъаналаридан илҳомланиб, ўлмас бадиий асарлар яратиб, дунё маданияти хазинасини бойитганлар. «Улуғ мўғуллар» деб аталган Бобурийларнинг ҳинд диёри ва маданияти тарихида ўйнаган ижобий роли ҳам барчага маълум. Жавоҳирлал Нерунинг Хусрав Деҳлавий, Бобур ва Акбаршоҳга берган баҳоси бежиз эмас. Ҳинд халқининг ғоят бой маданиятидан, адабиёт намуналаридан Ўрта Осиё халқлари, ўзбеклар асрлар мобайнида баҳраманд бўлиб келдилар. Ана шулардан бири «Калила ва Димна»дир.

Бу асарнинг ўзбек тилига биринчи таржимаси XIII асрга тўғри келади. Улуғ Навоийнинг замондоши Ҳусайн Бойқоро «Калила ва Димна»ни форс тилига янгидан таржима қилдирган. Шундан сўнг бу асар бутун Шарққа, жумладан, Ўрта Осиёга яна ҳам кенг тарқалди.

Абулқосим Фирдавсийнинг жаҳон адабиёти дурдоналаридан бири бўлмиш «Шоҳнома» асари уч жилддан иборат. Биринчи китоби 1975 йилда таржима қилинган эди. Унга асарнинг бошланиши, дастлабки шоҳлар: Қоламарс, Ҳушат, Таҳмурас, Жамшид, Заҳҳок ҳақидаги қиссалар, «Зол ва Фудоба» ҳақидаги романтик достон, «Суҳроб ва Сиёвуш»ларнинг қаҳрамонлик қиссалари, «Рустами Достон»нинг ажойиб саргузаштлари ва бошқалар киритилган

Ушбу жилд Шоислом Шомуҳамедов томонидан таржима қилинган. Китобнинг иккинчи жилди таржима қилиниб, 1976 йилда чоп этилган. У Кайхусрав подшолиги, Бежак ва Монижа достони, Исфандиёрнинг етти жасорати, Искандар ҳақидаги достон ва бошқалардан ташкил топган. Ушбу жилдни таржима қилишда Ҳамид Ғулом, Назармат ва Жуманиёз Жабборовлар қатнашган. Улардан ташқари Муҳаммад Нури Осмонов, Жонибек Қувноқовлар ҳам асарнинг насрий таржимасида иштирок этганлар.

Ниҳоят, «Шоҳнома»нинг учинчи жилди ҳам таржимонларнинг машаққатли меҳнати туфайли дунё юзини кўрди. «Шоҳнома»дек буюк асарни таржима қилишда қатор қийинчиликлар туғилгани табиий сабаби бу асар минг йилдан ортиқ умр кўрган китоб. У ҳам кекса, ҳам навқирон асар. Унинг навқиронлиги шундаки, умуминсоний ғоя ва туйғу чечаклари баҳор бўстонидек яшнаб туради ва ундан ҳар бир давр киши ўз кўнглига мос гулдасталар тера олади. Кексалиги шундаки, унда эскириб қолган фикрлар, сўзлар ибора ва образлар ҳам тез-тез учраб туради» [Shoislomov Sh., 1977]. Агар Фирдавсий услубига ўз давридаёқ архаизм характерли эканлигини назарга олсак, бу

«Кексалик» яна ҳам чуқурлашди. Бу эса таржима жараёнида сўз танлаш маъсулиятини оширади. Бу борада ўзбек тилининг мавжуд луғатига таяниб иш кўрилган.

Таржимонлар аввало «Шоҳнома»нинг ўз вазнини сақлаш керак, деган фикрда эдилар. Кейинчалик бу эпосни халқ достонлари (Алпомиш ва Гўрўғли) вазнларида таржима қилинса ўзбек китобхонига асарнинг бутун шавқ-шукуҳи яхши етиб бормасмикин деган фикр туғилди. Таржимада шеърнинг вазнини акс эттириш масаласи мураккаб назарий масаладир. Шеърнинг вазнини акс эттириш, унинг куйи, мусиқаси кайфият ва туйғуларни ифодалаш демакдир.

Таржимонлар ўзбек тили имкон бергани қадар Фирдавсийнинг ўзи ишлатган қофияларни сақлашга қарор қилдилар ёки нусхада қофияланган сўзларнинг ўзбекча эквивалентини яратишга интилдилар. Бундан ташқари, Фирдавсий шеъриятига хос кўп хусусиятлар, товушларнинг такрорланиб келиши, аллитерасиялар, таркибида қофиялар, омоним қофиялар, гўзал сўз ўйинлари, радифларни акс эттиришга ҳаракат қилинган.

Форс-тожик адабиётидан ўзбек ўқувчиларни баҳраманд этиш қадимул айёмдан маълум. Бу ишда ҳазрат Навоийнинг хизматлари беқиёсдир. Устоз Азиз Қаюмовнинг «Алишер Навоий» деб номланган (улуғ шоир ҳаёти ва ижоди тўғрисидаги) китобида ёзади: «Жомий авлиё сифатида ном чиқарган сўфий файласуфлар тўғрисида «Нафотоҳул унс» асарини ёзган эди. Навоий бу китобни туркий тилга таржима қилди. Аммо бу таржима асносида асарни кўпгина янги маълумотлар билан тўлдириб таҳлил этди», - дейилади [Qayumov A., 1991]. Бу тўғрида Навоийнинг ўзи бундай ёзади: «Хотирга кечмишки, агар саъй қилсам, бу китобни туркий тилга таржима қилолғаймуме, ул дақиқ ва мушкулотдин равшанроқ алфоз ва очиқроқ адо бирла утгаелгаймумен, деб мутааммил эрдим ва на бу хаёл муддаодин ўзимни уткараолур ва не шиниҳг азимлиғ ва душволиғи жихатидан шурут қила олур эрдим».

Навоийнинг хабар беришича, у асарни 901 ҳижрий (1496 милодий) таржима қилишга киришган. Таржима асосида Навоий асарни бошқа китоблардан олинган қўшимча материаллар билан тўлдиради. Китобни «Насоимул мухаббат мин шанойимул футуват» (Улуғлик хушбуйларини таратувчи мухаббат шаббодалари) деб номлаган.

Бу анъана бутун адабиётимиз тарихида давом этиб келмоқда. Ўзбек адибларидан Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ва бошқалар ҳам таржимонлик уммунида кўп захмат чекканлар. Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов: «1970-1975 йиллар орасида буюк немис шоири Иоганн Волфганг Гётенинг «Фауст» трагедиясини ўзбекчалаштирдим. Бор вақтим, кучим, имкониятимни шу ишга сарфладим. Умуман, жаҳон адабиётидан, рус классикларининг ижод намуналаридан қилган таржималаримни тарозининг бир палласига қуйиб, ўз асарларини бошқа паллага қўйсам, таржималарим оғирлик қилса ажаб эмас. Бу меҳнат менга абадий қардошлик бурчини адо этиш баробарида бебаҳо ижодий тажриба, катта сабоқ мактаби ҳам бўлди», - деганди.

Бутун дунёни мафтун этган буюк Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сини ўзбек тилига таржима қилиб, Фирдавсий мукофоти лауреати бўлган, бадиий таржима соҳасида ўзига ҳос мактаб яратган Шоислом Шомуҳаммедов таъкидлаганидек, «... бадиий таржима халқлар ва адабиётлар, миллатлар ва элатлар орасидаги энг баркамол алоқа тури сифатида бизнинг давримизда жуда муҳим аҳамият касб этади» [Shoislomov Sh., 1977].

Мустақиллик йилларида қадриятларимизни қайта тиклашга муваффақ бўлганмиз, муқаддас китоб Қуръони Каримнинг араб тилидан ўзбек тилига (Алоуддин Мансур томонидан) таржима қилингани мўмин мусилмонларни чексиз шод этди.

Зокиржон Исмоил ва Абдугани Абдуллоҳларнинг Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исроил ва ал-Бухорийнинг «ал-Жоме ас-Саҳих» ҳамда Абу Исо Термизийнинг «Саҳиҳи Термизий» ҳадисларини араб тилидан ўзбек тилига таржима қилиб, ўзбек тилида сўзлашувчи буюк халқни бу бой хазинадан баҳраманд қилгани ҳам таржима санъатининг ҳаётий зарурият эканлигини кўрсатади.

Биринчи Президентимиз таъкидлаганидек, ўзбек халқининг миллий тотувлиги 130дан ортиқ миллатни ўз қардрдонларидек бағрига олган юртимизда миллатлараро тотувлик энг муҳим шартдир. Мамлакатимиздаги мустақиллик, тинчлик ва барқарорлик фақат ўзбек халқи учунгина эмас, балки юртимизда яшовчи бошқа миллат вакиллари учун ҳам бебаҳо бойлик ҳисобланади. Бугун қайси миллат вакили бўлишдан қатъий назар кишилар ўз она тилида маълумот олиш, фарзандларини миллий руҳда тарбиялаш имкониятига эга. Миллий маданият фаолияти ҳам миллатлараро муносабатларни янада ривожлантиришга қаратилгани қувонарлидир.

НАТИЖАЛАР

Таржима тарихига оид манбалардан кўриниб турибдики, таржима тарихини ўрганиш борасида тадқиқот ишлари етарли эмас. Ота-боболаримизнинг

асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибалари, диний, аҳлоқий, фалсафий фикрлари, тиббиёт, математика, физика, астрономия, кимё, меъморчилик ва деҳқончиликка оид минглаб асарлари дунёнинг бошқа тилларига турли давлатларда таржима қилиниб, ҳозирги кунгача жаҳон фан ва маданиятига ҳисса қўшиб келмоқда. Бу нодир асарларни жиддий ўрганиб, бугунги китобхонларни улардан баҳраманд этиш лозим.

Маълумки ҳам Шарқда, ҳам Ғарбда, ёзма манбаларнинг кўп қисми таржима асарлари ташкил этади. Таржимачилик анъаналари, адабий алоқалар тарихи ҳам узоқ асрларга бориб тақалади. Таржимон зиммасида жаҳон халқлари яратган дурдона асарларни ўз она тилига ўгириб, халқини улардан баҳраманд этиш вазифаси туради.

Шарқ таржима мактаблари намояндалари, уларнинг таржима тарихида тутган мавқеи, қўллаган таржима услублари ва таржима орқали жаҳон халқларининг ўзаро алоқалари ўрганилди. Шунигдек, қўйидаги жараёнлар аниқлаштирилди:

– турли таржима мактаблари тарихини ўрганилди;

– жаҳон таржима тарихининг ривожланиш босқичларини ўрганиб, таҳлил этилди;

– Ўрта Осиё, хусусан ўзбек таржима тарихини замонавий босқичини кўриб чиқилди;

– Шарқ ва Ғарб таржима тарихининг мамлакатларнинг ўзаро алоқаларида тутган ўрнини аниқланди.

Шарқ ва Ғарб таржима мактаблари фаолияти тарихи, ютуқ ва камчиликлари бугунги кун даражасида чуқур таҳлил қилиб тўла-тўкис ўрганилмаган. Жаҳон дурдоналари ҳисобланмиш асарларнинг шарқ ва ғарб таржимонлари фаолиятлари ўртасидаги муштараклик ва уларнинг натижаларини замонавий ўзбек таржимонлари ишида қай даражада акс этишини аниқлашга харакат қилинди.

ХУЛОСА

Таржима асарларни ўрганиш таржимачилик тарихини тадқиқ этиш учун ҳам муҳим ҳисобланади. Чунки, ижоднинг ўзига хос соҳаси бўлган таржима тамойиллари, услуб ва усуллари замонлар оша такоммиллашиб борган, анъаналар шаклланиб ривожланган, ўзаро баҳрамандлик, таъсир ва адабий-бадиий алоқалар кучайган. Шунинг учун таржима тарихининг ҳар бир даври, ҳар бир асар таржимасини алоҳида олиб ўрганиш муҳим аҳимиятга эга.

Жаҳон таржима мактабларинг тарихини ўрганиш шуни кўрсатадики, антик даврдан бошлаб шарқ таржимонлари Ғарбда чоп этилган диний, илмий, техник, адабий-бадиий асарлар таржималари билан шуғулланганлар ва ўз замонасига мос тамойил, услуб йўллардан фойдаланганлар. Ғарб олимлари ва ўз навбатида Шарқнинг буюк мутафаккирлари яратган талимотлари, илмий ихтиролари билан ўз халқларини таништирганлар ва бу ютуқлардан фойдаланганлар.

Шарқ ва Ғарбнинг икки буюк мактаби бўлмиш, Толедо ва Бағдод таржима мактабларининг ўзаро алоқаси, тарихи, намоёндалари принцип ва услубларини ўрганиш орқали таржима тарихини янада чуқур билишга ҳаракат қиламиз.

Икки мактаб ҳам жаҳон фанининг тараққиётида муҳим рол ўйнаган. Олимларнинг асл асарлари йўқолиб кетган, лекин мазкур асарларнинг таржималари ушбу таржима мактаблари вакиллари томонидан сақлаб қолинган. Турли тарихий ўзгаришлар сабабли классик юнон олимларининг кўп китоблари йўқолган, лекин уларнинг араб тилидаги таржималари, шарҳлари сақланиб қолган. Араб тилида яратилган Ўрта Шарқ ва Ўрта Осиё мутафаккирларининг бир қанча қимматли асарларининг Толедо таржима мактаби таржимонлари томонидан лотин, юнон ва кейинчалик бошқа Ғарбий Европа тилларига таржима қилинган қисми бизгача етиб келган. Таржима Ғарб билан Шарқ ўртасида қиёслаб бўлмайдиган олтин кўприк ролини ўйнаган ва уларнинг маъданиятини боғлаб, бойитиб борган. VIII аср охири ва IX аср бошларида Бағдодда бир гуруҳ олимлар, таржимонлар ва қайта ёзувчилар пайдо бўлган. Бағдод таржима мактабининг бадиий, илмий-техник таржима усуллари ҳақидаги фикрлари IX-X асрларда юзага келган. Ўрта Осиёда ташкил бўлган Хоразм таржима мактаби эса (X аср бошлари) ўз анъаналарига эга бўлиб, кўплаб шеърий йўлда ёзилган тарихий асарларни насрий йўл билан туркий тилларга таржима қилган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда таржима тарихини ўрганишга қизиқиш бор. Бу соҳада олимлар томонидан анча жиддий тадқиқотлар амалга оширилган, жумладан, Ж.Шариповнинг «Ўзбекистонда таржима тарихидан» номли илмий ишида таржима асарларининг манбаларини аниқлаш, таржимонлар фаолиятига оид маълумотлар берилган. Н.Комилов асарларида эса Хоразм таржимачилиги хусусиятини ўрганиб, шу асосда таржима тарихининг назарий масалаларини ёритган. Хулоса шуки, таржима турли халқлар адабиёти, санъати, маданиятини яқинлаштиради. Бу эса мустқил Ўзбекистонимизда ўтказилаётган ислоҳатлар талабига тўла мувофиқдир.

АДАБИЁТЛАР:

1. Абдураҳмонова Н. (2000) Бадиий таржима программаси “Филология масалалари”, 2000.
2. Агзамходжаев, С. (2006). История Туркестанской автономии (Туркистон мухторияти). –С.27-28.
3. Валиқулов Ю. (2004) Таржима ижод кўприги. Маърифат газетаси, 2004.
4. Есенбоев Р. (1986) Таржима санъати 3,4 китоблар. Т.: 1986.
5. Зоҳидов Б. (1972) Ноёб адабий ёдгорлик “Калила ва Димна”нинг ўзбек тилидаги нашри сўз бошиси .Т.: 1972.
6. Искандаров (1978) Ўрта Осиё Фалсафий ва ижтимоий – сиёсий фикрнинг шаклланиши ва ривожланиши тарихидан лавҳалар. Т.: 1978.
7. Исламов З.М. (2019) Исламское образование в Узбекистане: история, современность и перспектива / ИИ Международная научно-богословская конференция «Духовный шелковый путь. Созидание. Интеграция», - Ташкент, 2018, С. 189-197.
8. Islomov, Zohidjon (2019) "THE ROLE OF THE INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN IN THE DEVELOPMENT OF ISLAMIC STUDIES," The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 1 , Article Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2019/iss1/1.
9. Ismailova, Yulduz (2020) "CROSS-LANGUAGE PHONETIC INTERFERENCE IN LEARNING THE ARABIC LANGUAGE," The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 2 , Article 7. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2020/iss2/7
10. Ismailova, Y. A. (2019). The use of interactive methods in teaching students professional-oriented reading. ISJ Theoretical & Applied Science, 10 (78), 209-213.
11. Kazakbaev, Akbar (2020) "THE PROBLEMS AND METHODS OF TEACHING FOREIGN LANGUAGES," The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 2 , Article 8. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2020/iss2/8
12. Каримов И. (2008) Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, 2008.
13. Каримов И. (2010) Бу муқаддас ватанда азиздир инсон. Тошкент, 2010.
14. Матибаева Р. (2019) Редкая рукопись по ханафизму «Манакиб Аби Ханифа» // Молодой ученый. — 2019. — №36. — С. 71-74. https://moluch.ru/archive/274/62293/.
15. Матибаева Р. (2009) «Манакиб Аби Ханифа» Абу-л-Муаййада ал-Макки ал-Хоразми как уникальный источник по ханафизму». Автореф. дисс. к. и. н. – Ташкент, 2009. – 28 с. (на узб. яз.).
16. Mukhamedov Nematullo Asatullaevich. (2020). HUMANIST IDEAS IN WORK MEDIEVAL SCIENTISTS OF THE OASIS OF TASHKENT. Archive of Conferences, 9(1), 205-208. Retrieved from https://conferencepublication.com/index.php/aoc/article/view/371
17. Муталлибов С.М. (1960-1963) Кошгарий, Махмуд. Туркий сўзлар девони (Девону-лугот ит-турк) / Таржимон ва нашрга тайёрловчи 3 томлик. Тошкент: Фан, 1960 – 1963. Т. 1-3.
18. Nematullo Hikmatullaevich Nasrullaev (2020). Role Of Ancient Written Sources In The Formation Of The Old Uzbek Literary Language. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(09), 359-364. The USA Journals, USA www.usajournalshub.com/index.php/tajssei
19. Рожанская М. (1986) «Механика в Хорасане и Мавераннахре в Средние века (IX–XV)» дисс. на соискание ученой степени доктора исторических наук, 1986.
20. Саломов Ғ. (1988) Тил ва таржимон. –Тошкент: “Фан”, 1966.
21. Саломов Ғ. (1978) Таржима назариясига кириш. – Тошкент: “Фан”, 1978.
22. Саломов Ғ. (1983) Таржима назарияси асослари. – Тошкент: “Фан”, 1983.
23. Саломов Ғ. (1983) Адабий танқид ва бадиий таржима. –Тошкент: “Фан”, 1983.
24. Tokhir Abdumutalovich Khatamov “ STATE NATIONAL PROGRAM FOR THE DEVELOPMENT OF SCHOOL EDUCATION FOR 2004–2009 YEARS: (SCIENTIFIC AND HISTORICAL ANALYSIS)” International Scientific Journal Theoretical & Applied Science e-ISSN: 2409-0085 (online) Year: 2019 Issue: 06 Volume: 74 Published: 14.06.2019 http://T-Science.orghttp://t-science.org/arxivDOI/2019/06-74/PDF/06-74-12.pdf -Б. 128-132.
25. Khasanov A. Lectures on the history of early Islam. Movrounnahr, Tashkent. 2017. -P. 132. (Хасанов А. Илк ислом тарихидан маърузалар. –Тошкент: Мовароуннаҳр, 2017. – Б. 132.)
26. Khatamov Tokhir Abdumutalovich. Public education in uzbekistan history of formation and development International Journal of Social Science And Human Research ISSN(print): 2644-0679, ISSN(online): 2644-0695 Volume 03 Issue 07 July 2020 Page: 72-75. http://ijsshr.in/v3i7/2.php
27. Хужаев Г. (1979) “Бобурнома”нинг таржима тарихдаги ўрни. Таржима назарияси масалалари, Тошкент 1979.
28. Хужаев Г. (1979) Таржимада автор услубини акс эттириш масалаларига оид. Таржима назарияси масалалари. Тошкент, 1979.
29. Хужаев Г. (1980) Олмон ўлкасида таржима санъати. Тошкент, 1980.
30. Холбеков М. (1973) Бадиий таржима – бугуннинг талаби. Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси. Тошкент, 1993.
31. Хужаев Г. (1995) Бадиий таржима ва миллий колорит. Мақоллар тўплами, таржима назарияси масалалари, Тошкент 1995.
32. Шоисломов Ш. (1977) “Шоҳнома” учинчи китоб. Т.: 1977.
33. Fuzailova, Gavhar (2020) "Eastern thinkers on the pedagogical mastery," The Light of Islam: Vol. 2020: Iss. 2, Article 19. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2020/iss2/19 -C.138-144.
34. Қаюмов А. (1991) Алишер Навоий: улуғ шоир ҳаёти ва ижоди тўғрисида лавҳалар. –Т.: “Камалак” нашриёти, 1999.

REFERENCES:

1. Abdurahmonova N. (2000) Badiiy tarjima programmasi “Filologiya masalalari”, 2000.
2. Агзамходжаев, С. (2006). История Туркестанской автономии (Туркистон мухторияти). –С.27-28.
3. Valiqulov Yu. (2004) Tarjima ijod ko‘prigi. Ma'rifat gazetasi, 2004.
4. Yesenboev R. (1986) Tarjima san'ati 3,4 kitoblar. T.: 1986.
5. Zohidov B. (1972) Noyob adabiy yodgorlik “Kalila va Dimna”ning o‘zbek tilidagi nashri so‘z boshisi .T.: 1972.
6. Iskandarov. (1978) O‘rta Osiyo Falsafiy va ijtimoiy – siyosiy fikrning shakllanishi va rivojlanishi tarixidan lavhalar. T.: 1978.
7. Islamov Z.M. (2019) Islamskoe obrazovanie v Uzbekistane: istoriya, sovremennost' i perspektiva / II Mejdunarodnaya nauchno-bogoslovskaya konferensiya «Duxovniy shelkoviy put'. Sozidanie. Integratsiya», - Tashkent, 2018, S. 189-197.
8. Islomov, Zohidjon (2019) "THE ROLE OF THE INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN IN THE DEVELOPMENT OF ISLAMIC STUDIES," The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 1 , Article Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2019/iss1/1.
9. Ismailova, Yulduz (2020) "CROSS-LANGUAGE PHONETIC INTERFERENCE IN LEARNING THE ARABIC LANGUAGE," The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 2 , Article 7. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2020/iss2/7
10. Ismailova, Y. A. (2019). The use of interactive methods in teaching students professional-oriented reading. ISJ Theoretical & Applied Science, 10 (78), 209-213.
11. Kazakbaev, Akbar (2020) "THE PROBLEMS AND METHODS OF TEACHING FOREIGN LANGUAGES," The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 2 , Article 8. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2020/iss2/8
12. Karimov I. A. (2008) Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. Toshkent, “Ma'naviyat”, 2008.
13. Karimov I. A. (2010) Bu muqaddas vatanda azizdir inson. Toshkent, 2010.
14. Matibaeva R. (2019) Redkaya rukopis' po xanafizmu «Manakib Abi Xanifa» // Molodoy ucheniy. — 2019. — №36. — S. 71-74. https://moluch.ru/archive/274/62293/.
15. Matibaeva R. (2009) «Manakib Abi Xanifa» Abu-l-Muayyada al-Makki al-Xorazmi kak unıkalniy istochnik po xanafizmu». Avtoref. diss. k. i. n. – Tashkent, 2009. – 28 s. (na uzb. yaz.).
16. Mukhamedov Nematullo Asatullaevich. (2020). HUMANIST IDEAS IN WORK MEDIEVAL SCIENTISTS OF THE OASIS OF TASHKENT. Archive of Conferences, 9(1), 205-208. Retrieved from https://conferencepublication.com/index.php/aoc/article/view/371
17. Mutallibov S.M. (1960-1963) Koshgariy, Maxmud. Turkiy so‘zlar devoni (Devonu-lugot it-turk) / Tarjimon va nashrga tayyorlovchi 3 tomlik. Toshkent: Fan, 1960 – 1963. T. 1-3.
18. Nematullo Hikmatullaevich Nasrullaev (2020). Role Of Ancient Written Sources In The Formation Of The Old Uzbek Literary Language. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(09), 359-364. The USA Journals, USA www.usajournalshub.com/index.php/tajssei
19. Rojanskaya M. (1986) «Mexanika v Xorasane i Maverannaxre v Srednie veka (IX–XV)» diss. na soiskanie uchenoy stepeni doktora istoricheskix nauk, 1986.
20. Salomov G‘. (1988) Til va tarjimon. “Fan” nashriyoti, Toshkent, 1966.
21. Salomov G‘. (1978) Tarjima nazariyasiga kirish. “O‘qituvchi” nashriyoti, Toshkent, 1978.
22. Salomov G‘. (1983) Tarjima nazariyasi asoslari. “O‘qituvchi” nashriyoti, Toshkent, 1983.
23. Salomov G‘. (1983) Adabiy tanqit va badiiy tarjima. “Fan” nashriyoti Toshkent, 1983.
24. Tokhir Abdumutalovich Khatamov “ STATE NATIONAL PROGRAM FOR THE DEVELOPMENT OF SCHOOL EDUCATION FOR 2004–2009 YEARS: (SCIENTIFIC AND HISTORICAL ANALYSIS)” International Scientific Journal Theoretical & Applied Science e-ISSN: 2409-0085 (online) Year: 2019 Issue: 06 Volume: 74 Published: 14.06.2019 http://T-Science.orghttp://t-science.org/arxivDOI/2019/06-74/PDF/06-74-12.pdf -Б. 128-132.
25. Khasanov A. Lectures on the history of early Islam. Movrounnahr, Tashkent. 2017. -P. 132. (Хасанов А. Илк ислом тарихидан маърузалар. –Тошкент: Мовароуннахр, 2017. – Б. 132.)
26. Khatamov Tokhir Abdumutalovich. Public education in uzbekistan history of formation and development International Journal of Social Science And Human Research ISSN(print): 2644-0679, ISSN(online): 2644-0695 Volume 03 Issue 07 July 2020 Page: 72-75. http://ijsshr.in/v3i7/2.php
27. Xujaev G. (1979) “Boburnoma”ning tarjima tarixdagi o‘rni. Tarjima nazariyasi masalalari, Toshkent 1979.
28. Xujaev G. (1979) Tarjimada avtor uslubini aks ettirish masalalariga oid. Tarjima nazariyasi masalalari. Toshkent, 1979.
29. Xujaev G. (1980) Olmon o‘lkasida tarjima san'ati. Toshkent, 1980.
30. Xolbekov M. (1973) Badiiy tarjima bugunning talabi. O‘zbekiston adabiyoti va san'ati gazetasi. Toshkent, 1993.
31. Xujaev. G. (1995) Badiiy tarjima va milliy kolorit. Maqollar to‘plami, tarjima nazariyasi masalalari, Toshkent 1995.
32. Shoislomov Sh. (1977) “Shohnoma” uchinchi kitob, T.: 1977.
33. Fuzailova, Gavhar (2020) "Eastern thinkers on the pedagogical mastery," The Light of Islam: Vol. 2020: Iss. 2, Article 19. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2020/iss2/19 -C.138-144.
34. Qayumov A. (1991) Alisher Navoiy: ulug‘ shoir hayoti va ijodi to‘grisida lavhalar. “Kamalak” nashriyoti, T.: 1991.